*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 10 март, чоршанба • №20 (11.615) • Эркин нархда сотилади

## ОҚҚЎРҒОН ҲОЗИРЛАНМОҚДА

***Об-ҳавонинг тўсатдан айниши, қорнинг учқунлаши ҳам одамлардаги баҳорий кайфиятга ўз таъсирини кўрсата олмади. Ҳар ҳолда Оққўрғонда бўлган киши буни дарров сезиб оларди. Аллақачон экин-тикин мавсумини бошлаб юборган туман деҳқонлари шу кунларда кенг кўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бормоқдалар. Маҳалла, қўрғон, хўжалик, корхона, ташкилотларда ҳам ана шундай руҳ ҳукмрон. Туман ҳудудида олиб борилаётган бунёдкорлик ва қурилиш ишлари ҳам ўзига хос. Буларнинг қаторига амалга оширилаётган хайрия ишлари ва саховатли тадбирларини қўшиш мумкин.***



Оққўрғонликлар халқимизнинг энг қадимий байрами Наврўз айёмига ана шундай ҳозирлик кўрмоқдалар. Келинг, энди юқоридаги ишларни бир оз таърифлаб ўтайлик. Аслида туманда Наврўз – умумхалқ байрамига тайёргарлик февраль ойининг бошиданоқ бошлаб юборилди. Февраль ва март ойларининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинганлигида ҳам алоҳида маъно бор. Ахир, халқимизда ҳар қандай яхши кунга, тўй-ҳашамга, байрамга тайёргарлик атрофни тозалашдан, ободончиликдан, саранжом-саришталикдан бошланади. Шундан бўлса керак шакл берилган, бўялган боғлар, дарахтлар, орасталанган йўллар ҳудудларга ўзгача ҳусн бериб турибди. Яхши ният билан экилган янги мевали дарахт кўчатлари аллақачон куртак чиқарди.

Дарвоқе, тумандаги маҳаллаларда Наврўз тантаналари бошланганига ҳам анча бўлди. Олимкент қўрғонида хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан кам таъминланган 35 оилага ҳомийлик ёрдами кўрсатилган бўлса, Мустақиллик маҳалласидаги 25 хонадон ҳам ана шундай мурувватдан баҳраманд бўлди. Умуман бу йил тумандаги 50 та ташкилот, корхона, муассаса, маҳалла ва ўқув юртларида байрам тантаналари бўлиб ўтади. Тумандаги фермер хўжаликларининг хайрли ишлари тўғрисида алоҳида тўхталиш ўринли деб ҳисоблаймиз. 78-сонли махсус ёрдамчи мактаб-интернат тарбияланувчиларини тумандаги фермер хўжаликлари ўз ҳомийликларига олишди. Шу кунгача бу махсус мактаб-интернатга 7 миллион сўмликдан ортиқ пул маблағи туширилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тумандаги меҳнат фахрийлари, қариялар, ногиронлар ҳам меҳр ва мурувватдан четда қолмайдилар. Айни кунларда ҳомий ташкилотлар, маҳалла қўмиталари ва фуқаролар йиғинлари улар учун махсус байрам совғалари тайёрлашмоқда.

2003 йилда «Футболимиз келажаги» маҳалла болалари ўртасида ўтказилган республика футбол мусобақасининг ғолиби «Уста Нормат» маҳалласининг ёш футболчилари, бокс, кураш ва бошқа турдаги мусобақаларда туман, вилоят ва республика шарафини ҳимоя қилган 27 нафар ёш спортчиларни шарафлаш маросими ҳам' ўзгача руҳда ўтди. Наврўз байрами тантаналаридан улар иштирокида ташкил этилаётган спорт мусобақалари кенг ўрин олган.

Биз юқорида туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва қурилиш ишлари ҳақида тўхталдик. Дарвоқе, қурувчиларнинг Наврўзга ўз совғалари бор. Байрам арафасида Оққўрғон ширкат хўжалигида бунёд этилаётган янги болалар спорт иншооти ўз бағрига ёш спортчиларни қабул қилади. Бундан ташқари маиший хизмат кўрсатиш маркази, учта савдо дўкони, Оққўрғон деҳқон бозорида қуриб битказилаётган 38 та савдо павильонлари ҳам шу куни ўз фаолиятини бошлайди. Қишлоқ ҳудудларида фойдаланишга топширилаётган икки километрлик газ ва бир ярим километрлик ичимлик суви тармоқлари сўзсиз халқнинг оғирини енгил қилади.

Туман марказидаги «Ором» дам олиш масканида 21 март куни барча хўжалик, ташкилот, муассаса, маҳаллалар жамоалари иштирокида бўлиб ўтадиган театрлаштирилган оммавий халқ сайли кўпчиликнинг хотирасида қолиши шубҳасиз. Шу куни туман, вилоят ва республиканинг энг кўзга кўринган санъаткорлари халқ хизматида бўладилар. Тантаналар туманнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ривожида алоҳида хизмат кўрсатган фаолларни тақдирлаш маросимига уланиб кетади. Албатта, уста пазандалар ва қандолатчилар сайл иштирокчиларини Наврўз таомлари ва ширинликлари билан сийлайдилар.

Лўнда қилиб айтганда, Оққўрғонда Наврўз руҳи кезмоқда. Умумхалқ байрамининг шиори ҳам ажойиб. Ҳеч ким байрам тантаналаридан, меҳр ва мурувватдан бебаҳра қолмаслиги керак.

**Ўз мухбиримиз.**

---

«Ташаббус» ғолиблари



## «ASTRA-FARM»НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

***Тошкент туманидаги «ASTRA-FARM» масъулияти чекланган жамиятининг Раҳимхўжа Юнусхўжаев раҳбарлик қилаётган жамоаси корхона ташкил этилганидан бери саховатпешаликда намуна бўлиб келмоқда. Туманда ўтказилган хайрия тадбирлари учун фойда ҳисобидан 500 минг сўм ажратилди. Спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган моддий ёрдам миқдори 200 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, олимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлаш жамғармасига 250 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Туман туғруқхонаси қурилишига эса 1 миллион сўм берилди.***

Савобли ишлар кўлами шулар билангина чекланмайди. Дори ишлаб чиқарувчилар саховатидан халқ таълими, тиббиёт муассасалари ҳам фойдаланмоқда. Чунончи, Қизил ярим ой жамиятининг туман бўлими жамғармасига 600 минг сўм ажратилди. 11-мактабда таълим олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун 375 минг сўмлик кийим-кечаклар ва дори-дармонлар тарқатилди. Айни вақтда жамият ишчи-хизматчилар ижтимоий муҳофазасига ҳам маблағ ажратаяпти. Корхона Меҳр ва мурувват йилида ҳам хайрли ишларни давом эттириш режаларини тузган.

Халқимизда «Қўли очиқнинг — йўли очиқ» деган нақл бор. Саховатпеша жамоанинг иши йил сайин юришиб бораётганлигининг боиси ҳам шунда бўлса ажаб эмас. Дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу хусусий тадбиркорлик тузилмаси ташкил этилгандан бери ўтган ҳар бир йил жамоа учун баракали бўлаётир. Корхонада 1998 йилда бор-йўғи беш хил дори-дармон тайёрланган эди холос. Вақт ўтиши билан унинг янги-янги хилларини ўзлаштиришга эришилди. Ўтган йили маҳсулот тури 27 тага, ўлчамларидаги фарқ эса 45 тага етказилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 200 миллион сўмликдан ошиб кетди. Унинг деярли ҳаммаси шартнома асосида буюртмачиларга етказиб берилди. Шу даврда олинган соф фойда 50 миллион сўмга етди.

Бундай юксалишни таъминлаган омиллар аввало маҳсулотларни тайёрлашда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий қилиш бўлди. Маҳсулот турлари ичида суюқ ва суртма дорилар салмоғи кўпроқ. Зеро, уларга талаб катта. Буларни ҳисобга олиб, иш жараёнларини тезлаштириш ва енгиллаштириш учун техникавий чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Шу мақсадда хорижий мамлакатлардан асбоб-ускуналар, технологик линиялар олиб келинмоқда.

Суртма малҳамлар тайёрлашда ишлатиладиган замонавий технологик линия учун 126 минг АҚШ доллари сарфланди. Суюқ дорилар ишлаб чиқарувчи яна бир технологик линия ҳам хориждан 30 миллион сўмга сотиб олинди. Улар ёрдамида импорт ўрнини босадиган, ички бозорда харидоргир бўлган дориларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилди. Натижада, корхонада ишчи-хизматчилар сони 35 кишига етди. Уларнинг асосий қисми маҳаллий ёшлардир.

Бу тадбиркорлик тузилмаси жамоаси ўзи ишлаб чиқараётган дори-дармонлари билан бошқа вилоятларда ҳам турли-туман касалликларни даволашга ёрдам бермоқда. Доришунослар изланишларини давом эттириб, салмоқли натижаларга эришмоқдалар. Бу интилишлар самараси сифатида корхона «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида тадбиркорлик йўналиши бўйича ғолиб бўлди. У беллашувнинг республика босқичида қатнашиш ва унда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Жамоа аҳлига бундан кейин ҳам муваффақият ёр бўлишига тилакдошмиз.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ.**





*СУРАТЛАРДА: корхона ана шундай замонавий технологиялар билан жиҳозланган (юқорида); дориларни қадоқлаш жараёни.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

---

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### ЯНГИ ИЛОВА

***«Қибрай садоси» туман газетаси ойда бир марта иловаси билан чиқа бошлади.***

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан «Меҳр зиёси» номи остида чоп этилаётган газета ичидаги газетада туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими, жойлардаги фуқаролар йиғинлари фаолиятига бағишланган ва бошқа турли мавзулардаги мақолалар бериб борилади.

«Қибрай садоси» ва унинг ичидаги илова нашр — «Меҳр зиёси»нинг 6000 га яқин обуначиси бор.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

### МУЛОҚОТ

***Оҳангарон шаҳрида «Она ҳаёт гулшани, фарзанд унинг булбули» мавзуида тадбир уюштирилди.***

Шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Болалар» жамғармаси ва шаҳар маданият ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган бу мулоқот мобайнида кам таъминланган оилаларнинг 50 нафардан зиёд вакилларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

### ТАНЛОВ

***Миср Араб Республикаси элчихонасининг Тошкентдаги фан ва таълим маркази «Намунали она» танловини ўтказмоқда.***

Танлов шартларидан иккитаси эътиборга лойиқ. Уларга кўра иштирокчи оналарнинг барча фарзандлари олий маълумотли бўлиши, оналар бунга эришиш йўлида қандай қийинчиликлару машаққатларни енгиб ўтганликларини, курашларини ёрқин ҳикоя қилиб беришлари лозим. Вилоятимиздан элликка яқин намунали она номзоди танловга тақдим этилди. Бу жараёнда Қибрай ва Пскент туманларининг хотин-қизлар қўмиталари айниқса, фаол иштирок этишди. Ҳозирда вилоят хотин-қизлар қўмитасида энг муносиб номзодлар сараланмоқда.

«Намунали она» халқаро танлови 20 март куни якунланади.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

### ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

***Оққўрғон туманида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб хайрия марафони ўтказилди.***

Унда ҳудуддаги тадбиркорлар, фермерлар ва ширкат хўжаликлари фаол иштирок этишди. Марафондан ҳисоб рақамига туширилган 10 миллион сўмдан ортиқ пулга тумандаги туғруқ мажмуи учун замонавий тиббиёт асбоб-укуналари сотиб олиш режалаштирилмоқда.

**Камол ҒАЙРАТОВ.**

### КЕЧА

***Зангиота тумани Эшонгузар маданият уйида марказлашган кутубхоналар тизимидаги болалар кутубхонаси Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб адабий-бадиий кеча ўтказди.***

«Саховат — муқаддас мерос» мавзуида ўтказилган бу тадбирда «Меҳр-мурувват — инсон зийнати» номли кўргазма ҳам ташкил этилди. 30-, 4-болалар боғчалари тарбияланувчилари иштирокида концерт дастури намойиш қилинди.

Кеча якунида 25 нафар боқувчисини йўқотган ҳамда ногирон болаларга ҳомийлар — Зангиота нон корхонаси, «Фаҳмиддин» хусусий фирмаси ҳамда Қатортол қишлоқ фуқаролари йиғини совғалари тақдим этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

---

2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

## МЕҲРДАН ҚАРЗДОРМИЗ, МЕҲРГА ЗОРМИЗ

***Меҳр ҳақида анчадан буён нимадир ёзишни кўнглимга тугиб юрган бўлсам ҳам, бир «туртки» етмасди. 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги бу истакка қувват берган бўлса, шу кунларда эшитган бир воқеа эса, мени ёзмаса бўлмайдиган ҳолатга олиб келди. Аввало, бўлиб ўтган воқеа ҳақида...***

Шерали бува билан Мастура энанинг бу дунёда ортирганы бир ўғилу бир қиз бўлди. Улар ёлғиз ўғилни қаттиққўллик билан ўстириб, аввало илм олишга ўргатдилар, тўғрироғи илм олиши учун барча шароитларни яратиб беришди. Шу ўғил униб ўсса, тузукроқ одам бўлса, қариганларида ўз меҳнатларининг самарасини кўриб, фароғатли кунларда яшашни ният қилган эдилар.

Ўғил аввало мактабни, сўнг институтни муваффақиятли тугатиб, давлат ишларига шўнғиб кетди. Бу орада катта амалдорнинг қизига уйланиб, шаҳарда қолди. Ота-она эса, шу қишлоққа узатилган қизи, кейинроқ унинг фарзандлари — неваралари билан овунардилар.

Орадан йиллар ўтиб, ота-она қариди. Авваллари ҳафтада, сўнг ойда бир келадиган ўғил кейинчалик йиллаб кўринмайдиган одат чиқарди. Баҳона эса ҳамма пайт топилади. Уни ўйлаб топиш одамзодга унча қийин иш эмас.

Шу ерда бироз чекиниш қилмоқчиман. Қариган одамга бир парча меҳр, бир оғиз ширин сўздан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Ярим коса овқатга қорни тўяди, бир пиёла чой билан чанқоғи босилади. Аччиқ бўлса ҳам айтай, қариганда орзу-ҳавасдан ҳам

(Давоми 2-бетда).

---

Бу ҳақда вилоят сессиясида гапирилган эди

## ОЛМАНГИЗ ҚАЙСИ БОҒДАН?

***Президентимиз Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари XX сессиясида сўзлаган нутқида пойтахтга ёндош бўлган пахта экилмайдиган туманларда мева-сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш масаласини чуқурроқ ўйлаб кўриш таклифини ўртага ташлади. Ўз навбатида Юртбоши илгари сурган бу масала тегишли туман хўжаликлари мутасаддилари зиммасига шаҳар аҳолисини мева-сабзавотга бўлган эҳтиёжини қондириш вазифасини юклайди.***

Сир эмас, бугун боғдорчилик қишлоқ хўжалигининг бироз оқсаётган тармоғига айланиб қолди. Бунга табиат инжиқликлари ҳам ўз таъсирини ўтказаётганини эътироф этган ҳолда, жойларда соҳага етарлича эътибор берилмаётгани, шунинг натижаси ўларок боғларнинг самарадорлиги пасайиб кетаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Боғдорчиликнинг бугунги аҳволи, унинг муаммо ва ечимлари ҳақида мақола тайёрлашни кўнгилга тугиб, Тошкент бозорларини айландик. Айни дамларда ҳам бозор пештахталари мева-чеваю сабзавот маҳсулотлари билан тўла. Афсуски, ўз маҳсулотини бозорга олиб чиққанлар орасида вилоятдошларимизни деярли учратмадик. Борлари ҳам тирикчилик важидан олибсотарлик қилаётганлар...

Бозорда эътиборимизни тортган яна бир нарса бу — пештахталарни четдан келтирилган мева-чевалар босиб кетгани бўлди. Маҳсулотларнинг кўринишига гап йўқ — кўзни қамаштиради. Нархи эса чўнтакни... Хориждан келтирилган олмаю нокларнинг бир килограмми икки минг сўмдан кам эмас.

Серқуёш Ватанимизда

(Давоми 2-бетда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!
Обуна бўлдингизми?
Эслатиб ўтамиз: бизнинг индекс – 205.

2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

# МЕҲРДАН ҚАРЗДОРМИЗ, МЕҲРГА ЗОРМИЗ

кўпроқ ҳеч кимга хор-зор бўлмай, селдай келиб, елдай олиб кетадиган ўлим армон бўлади. Минг фароғатда, минг ардоқда, фарзандларнинг кафтида яшаётган қарияларда ҳам шу армон бўлади. Одамзоднинг феъли ўзи шунақа. Болалигида ота-онага суяниб, ёшлигида кучига, билимига ишониб, қариганда эса, фақат илинж билан яшайди.

Шерали бува билан Мастура эна ҳам юракларида катта тош билан яшаб юрдилар. Бу тош ёлғиз ўғилнинг соғинчидан, дийдаси қаттиқлигидан пайдо бўлган. Куч-қувват борлигида чолу кампир етаклашиб шаҳарга, ўғилни кўргани келар, шаҳарлик келиннинг қош-қовоғига эътибор бермай бир кун бўлса ҳам, ўғилнинг, ёлғиз ўғилнинг дийдорига тўйиб қайтишарди. Кейинчалик эса, ҳовли айланиб кўчага чиқолмай қолишди. Чолу кампирнинг ҳолидан бехабар ёлғиз ўғил эса, аввал бўлим бошлиғи, кейинчалик бошқарма бошлиғи даражасига кўтарилди. Бу муваффақиятларига балки у тиришқоқлиги, балки қайнотасининг қўллаб юборишлари туфайли эришгандир, лекин, аввало ота-онасининг дуоси билан бўлди бу ишлар, деб ҳисоблайман. Шундай ҳолга тушишларига қарамай, Шерали бува билан Мастура эна кеча-ю кундуз дуо қилишни қўйишмасди: «Шу ёлғизимиз ўзидан кўпайиб, боши тошдан бўлсин».

Ота-онани яратмасин экан! Дуолар ижобатга ўтди, ёлғиз ўғилнинг боши тошдан бўлди, афсуски, бошигина эмас юраги ҳам тошга айланиб, тошмеҳр бўлди.

Кейинги кунларда Мастура эна ётиб қолди. «Оҳ»ида ҳам, «воҳ»ида ҳам ўғлининг исми, «бир кўрсам» деб армон қилади. Шерали бува қишлоқнинг зиёли одамларини ўртага қўйиб, ўғлига бир неча марта хабар берди. Ўғилдан дарак йўқ, бир бор йўқлаб келмади, меҳрини дариғ тутди. Онаси ўлимидан уч кундан кейин келган ўғилга ота қайрилиб ҳам қарамади. Ўзи келиб, ўзи кетди, биров кимсан ҳам демади. Ота юрагида алам туйди. Кампиридан кейин чол қараса, чўкиб бораяпти, ўзини тутиб олди. Қизининг катта ўғли унинг қўлида эди. Шунинг орзу-ҳавасини кўрай, уйлантириб, невара келиннинг қўлидан чой ичай, деган умид юрагида пайдо бўлди.

Шундай кунларнинг бирида қишлоғидан шаҳардаги бир идорага қатнаб ишлайдиган йигитдан ўғлининг катта бир ресторанда 60 йиллик тўйини ўтказаётганлигини эшитиб қолди. Шу йигитга «ўғлим мени ҳам айтган эди, мени сен олиб борасан», деб бир ойлик пенсия пулини унинг қўлига тутқазди. Йигит машина топиб, отани ёлғиз ўғилнинг тўйига олиб борди.

«Чақирилмаган меҳмон»нинг ташрифидан довдираб қолган ўғил истар-истамай у билан сўрашиб, бир бурчакка ўтирғизиб қўйди. Давра қизиган пайтда даврабоши ўзи билибми, ё биров айтдими, тўсатдан «Сўз юбиляримизнинг отасига», деб эълон қилиб юборди. Буванинг юрагидаги тош бир қимирлади, алам бўғзига келди. Ўрнидан зўрға турди, унинг қўлига микрофонни тутишди.

— Мен Худодан ўғил сўраган эдим, тош берди. Менинг бундай ўғлим йўқ... — Бу сўзни бува айтдими, ё шундай овоз бошқа ердан чиқдими, зал қотиб қолди. Зўрға юрадиган бува шаҳдам қадамлар билан даврадан чиқиб кетди...

Қолган гапни айтишим шарт эмас, ўғилнинг ҳолатига ўхшаш ҳаёт кечириб юрганлар бўлса юрагига олсин, тош кўчади, меҳр кўзғолади. Она минг қарғаса ҳам фарзандига ўтмас экан, ота бир қарғаса икки дунёингиз куйиб кетади. Ота-онангизга меҳр берсангиз, шу меҳр болангиздан қайтади, қаҳр ҳам шунга хос нарса. Кўрдингизми, илм топиб, амал топганинг билан меҳр топмасанг, яшаганинг бир пул экан. Олим бўлиш эмас, одам бўлиш қийин экан, аслида.

Гап меҳр ҳақида кетар экан, яна бир воқеа ёдимга тушди. Олдинги айтганларимнинг тамоман тескариси.

... Эридан кейин рўзғор юритишда қийналиб қолган Зайнаб аламини ёш болаларидан оларди. Хархаша қилган болаларига «отангнинг бошини едиларинг, энди менинг бошимни емоқчимисанлар» деб бўлар-бўлмасга калтаклар, бемеҳр бўлиб ўсаётган болалар томга қочиб чиқиб, ўша ерда ётарди. Шундай кунларнинг бирида она йўқолиб қолди. Тўғрироғи, шаҳарга пул топишга кетиб, уйга қайтмади. Қариндош-уруғ, қўни-қўшни болалардан меҳрларини аямади. Минг бир қийинчилик билан катта бўлишди. Бир-бирларига меҳрли ўсишди. Орадан йигирма йил ўтиб, уйларига бир хабар келди. Қариялар уйида бир аёл уларни сўрабди. Икки ака-ука сингилларини олиб, у ерга боришди. Ўзлари олдиндан сезганларидек, бу уларни ташлаб кетган оналари экан. Ўртадаги совуқлик ҳеч илимади. Бирон гап айтай деса, онанинг тилига гап келмайди, таскин берай деса, болаларда меҳр йўқ. Қайтиб келишди, онани бирга олиб келишди. Она атиги бир кунга зўрға чидади. Эртаси куни «Қариялар уйи»га элтиб қўйишни болаларидан ўтиниб сўради. Меҳрлари сўниб қолган экан, болалар уни шу заҳотиёқ айтган жойига обориб қўйишди. Ўзининг туққан фарзандларига бегона бўлган она бу дунёда нима деб яшайди энди. Боланг бўлиб боласиз яшасанг, меҳр туриб меҳрсиз яшасанг, бундан ортиқ қандай жазо бор? Ўйлаб қоламан, ота-она фарзандидан меҳр кутганда, ўзи ҳам меҳр бера олдимикан? Э, бу дунёнинг ишлари қизиқ, меҳр деганлари эса кўчада ётган гул эмас.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили. Баъзиларнинг хаёлига бир ўй келади. Бу йил бева-бечорага, етим-есирга, ёлғизларга, қариб-қартайганларга моддий ёрдам кўрсатиш йили эканда, деб. Назаримда, масаланинг маънавий томони бизни кўпроқ қизиқтириши керак. Очиғини айтганда, бемеҳр бўлиб кетаяпмиз, бир парча ерни талашиб, юз кўрмас бўлиб кетганлар қанча, бойлик деб бир-бирларига тош отаётганлар қанча. Дағаллашиб кетаётгандек бўлаяпмиз. Меҳрга суянмасак, меҳр кўрсатмасак, меҳр билан яшамасак, яшаш оғир бўлаверади, азизлар. Ота-онангизгами, қариндош-уруғларингизгами, ёру биродарларингизгами, ошна-оғайниларингизгами, атрофдагиларингизгами меҳр кўрсатмас экансиз, дунёга келиб кетаверасиз. Биз ҳаммамиз меҳрга қарздормиз, меҳрга зормиз.

**Ҳамид НОРҚУЛ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# «ЭКОСАН» ҲАШАРИ

***«Экосан» халқаро хайрия жамғармаси «Мева-шарбат» илмий ишлаб чиқариш корпорациясининг Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий- тадқиқот институтида «Орол оналари ва болаларига» шиори остида экология ҳашарини ўтказди. Ҳашарда дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари , фан ва маданият арбоблари иштирок этди.***

– Жамғармамиз кўп йиллардан бери мазкур институт билан ҳамкорлик қилиб келмоқда, – деди тадбир очилишида сўзга чиққан «Экосан» жамғармаси раиси Юсуфжон Шодиметов. – Институтнинг олим ва мутахассислари жамғарманинг лойиҳа ва дастурларини тайёрлашда, жамғарма ташкил этаётган анжуманларнинг тавсияларини ишлаб чиқишда иштирок этишмоқда.

– Бугунги тадбирда қатнашаётганимдан мамнунман, – деди Латвия ишларининг Ўзбекистондаги муваққат ишончли вакили Игорс Апокинс. – Элчилар боғига бир неча туп олма, олхўри кўчатлари қададим. Шу дарахтларни ўтказар эканман, келгусида ҳам ўзим эккан бу ниҳоллардан хабар олиб туришга аҳд қилдим.

**А. АЗИМОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

Ижтимоий муҳофаза

# ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

***Янгийўллик Тошжон Саидазимов жазо муассасасидан қайтгач, иш топиш учун бир неча корхона ва хўжаликларнинг эшигига бош урди. Афсуски, «қамалган» деган тамға қай ерга бормасин уни ишлаш орзусидан маҳрум қиларди. Мана шундай тушкунликка тушиб юрган бир пайтда Ижтимоий мослашув марказининг Янгийўл туман бўлими уни «Ниёзбош» ширкат хўжалигига ишга жойлаб қўйди.***

— Бизнинг марказимиз жазодан озод қилинган шахслар жамиятда дастлабки фаолиятларини бошлаб олишлари учун пул билан таъминлаб, ишга жойлаштиради, — дейди Ижтимоий мослашув маркази туман бўлими бошлиғи Адҳам Раҳимқулов. — Лекин кўпчилик марказимиз ҳақида тушунчага эга эмас.

Биз эса жазони ўташ жойидан хат келгандагина, ҳудудимизда яшайдиган фуқаро озод этилганини биламиз. Шундан сўнг биз ўша шахснинг манзилини топиб, унинг оилавий шароитини ўрганамиз ва шароитдан келиб чиқиб, унга энг кам иш ҳақининг олти баробаригача пул ажратамиз. Туман меҳнат биржаси билан ҳамкорликда иш билан таъминлаймиз. Баъзида эса жазони ўташ жойидан бизга хат жуда кеч келади. Минг афсуски, у шахсни қидириб, топганимизда, иши яна терговда бўлганларини ҳам кўрдик. Ўзини топиб, суҳбатлашсак: «Мени ҳеч ким ишга олмади, кейин ўзимнинг эски ҳунаримни қилдим», — дейди. Шунинг учун жазони ўташ жойларида ижтимоий мослашув маркази ҳақида тушунча бериб, бизга учрашишларини тайинласалар, жуда яхши бўларди. Ёки хат вақтида жўнатилса ҳам ижобий натижа беради.

Ижтимоий мослашув марказининг Янгийўл туман бўлимига 2003 йил давомида 68 нафар фуқаро мурожаат қилган. Уларга 1 миллион 800 минг сўмдан ошиқ пул берилиб, тумандаги турли корхона ва хўжаликларда иш билан таъминланган.

— Бундай шахслар марказимизга ариза билан мурожаат этганларидан сўнг, уларнинг ижтимоий аҳволи ўрганиб чиқилиб, кейин пул ажратилади, — дейди Адҳам Раҳимқулов. — Берилаётганда шу пулдан фуқаро паспорти учун ҳақ ушлаб қолинади ва паспорт олиб берилади. Вояга етмаган шахсларга эса бу пул тўлиқ берилади.

— Туманимизнинг меҳнат биржасида қамоқ жазосидан озод қилинган шахслар учун икки марта меҳнат ярмаркаси ўтказдик, — дейди туман меҳнат биржаси бош мутахассиси Умида Турғунова. — Унда Ҳалқобод, Турсунқулов номли ширкат хўжаликлари ва Тошкент электр таъминоти тизимидаги бўш иш ўринлари қамраб олинди. Ярмаркада жазодан озод этилганларнинг бир неча нафари иш билан таъминланди.

**Камол ҒАЙРАТОВ.**



*8-Март — хотин-қизлар байрами муносабати билан Бўка туманидаги «Хўжақўрғон» ширкат хўжалигида тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшаётган 300 нафардан зиёд аёл шарафланди.*

***СУРАТЛАРДА:*** *тадбирдан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**




***Вилоят Ички ишлар бошқармасида 8-март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.***

# ФАХРИЯЛАР УЧУН СОВҒАЛАР

Байрам муносабати билан 250 нафардан ортиқ ходималар, 66 нафар фахриялар ҳамда хизмат даврида ҳалок бўлган 14 нафар ходимларнинг рафиқаларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирнинг концерт дастури йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Абдулазиз ИСЛОМОВ,**
**вилоят Ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати ходими.**

Бу ҳақда вилоят сессиясида гапирилган эди

# ОЛМАНГИЗ ҚАЙСИ БОҒДАН?

боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш учун барча имкониятлар бор бўла туриб, хориж меваларига эҳтиёжманд бўлиб қолаётганимизни қандай изоҳлаш мумкин? Маълумотларга қараганда, тупроқ ва иқлим шароити нобоп аксарият давлатларда бир дона ниҳолни ундириш учун 1000 АҚШ доллари сарфланар экан. Нима учун биз она табиатнинг инъом этган чексиз саховатидан унумли фойдалана олмаймиз?

Яқинда Японияда бўлиб қайтган бир танишим ҳайратланиб гапириб берди. Кун чиқар мамлакат дорихоналарида оғир юрак касталигига учраган беморларга дори сифатида икки дона ўрик тавсия қилинар экан. Шунинг ўзи ҳам боғдорчиликнинг аҳамияти нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

Тошкент давлат аграр университетининг мевачилик ва узумчилик кафедрасида бўлиб, боғдорчиликни ривожлантириш борасида олимлар фикри билан қизиқдик. Уларнинг айтишича, ҳар қандай боғ барпо этилаётганда биринчи навбатда шароитга мос нав танлаш лозим. Айниқса, ҳозирги кунда ҳаваскор пайвандчилар, мўмай даромадни кўзлайдиган сохта кўчатфурушлар кўпайиб кетган. Шу боис мева ниҳолларини танлашда эҳтиёт бўлиш даркор. Агротехника қоидаларига, хусусан, ниҳолга биринчи йилданоқ шакл бериб боришга, ҳашаротлар ва бошқа касалликларга қарши режали курашиш ҳамда ўғитлаш масалаларига эътибор бериш керак. Ёш ниҳолларни турли пайҳонгарчиликдан сақлаш ҳам бирламчи вазифалардандир.

— Мевачилик ва узумчилик кафедрамиз давлат Фан ва техника марказидан грант бўйича битта лойиҳа ютган, — дейди кафедра мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Бахтиёр Ғуломов. — Лойиҳа паст бўйли, тез ҳосилга кирадиган мевали боғлар барпо этиш агротехникасига бағишланган. Келажакда бу тажриба мамлакатимизнинг боғдорчилик хўжаликларига ҳам татбиқ этилади.

Биз Қибрай туманидаги боғдорчиликда ўзига хос донг таратган «Дўрмон» ширкат хўжалигида ҳам бўлдик. Хўжалик тасарруфида жами 155 гектар мевали боғ бўлиб, уларнинг асосини юқори навли олма боғлари ташкил этади. Шунингдек, олхўри, гилос, узум, олча, шафтоли боғлари ҳам мавжуд. Бу йилги режада булар қаторига 15 гектар нок, анжир, анор боғлари қўшилиши кўзда тутилган.

Хўжалик тасдиқлаган боғдорчилик дастурига кўра, 2010 йилгача боғроғлар янада кенгайиб, ҳосилдан қолган ва самарадорлиги пасайган боғлар пешма-пеш бузилиб, янгилаб борилади. Бунинг учун махсус кўчатчилик хўжаликлари билан шартнома тузилиб, керакли меваларнинг энг универсал навлари келтирилади.

Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ниғматилла Соатов билан «Дўрмон» боғларини айланар эканмиз, юқорида таъкидлаганимиз — мевачиликнинг ўзига хос агротехник қоидаларини айнан шу ерда кўриб, қувондик. Пастки қисми оқланган дарахтларнинг таги юмшатилган, шакл бериш ишлари ҳам авжида.

Беихтиёр мулоҳазага боради киши. Агар ҳар бир хўжаликда аҳвол шу тариқа рисоладагидек бўлса эди, вилоятимиз фақат шаҳар аҳолисининг эҳтиёжини қондириб қолмай, чет бозорларни ҳам эгаллаши мумкин бўларди. Бу эса иқтисодимизнинг бақувватлашуви, ҳаётимизнинг фаровонлашуви демакдир.

Юқоридаги кузатувларимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, боғдорчиликни ривожлантириш ечими оғир, кишини ўйлантириб қўядиган муаммо эмас. Ташаббус, изланиш, интилиш бўлса бас, ҳамма нарсанинг иложи топилади. Бунинг учун аввало боғни севиш, унга меҳр қўйиш керак.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Кобулда ҳам олма гуллайди

***Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига биноан Афғонистоннинг Балх вилояти ва мамлакат пойтахтини кўкаламзорлаштириш учун 11 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатларидан иборат инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.***

Наврўз байрами арафасида юборилган инсонпарварлик ёрдами жабрдийда афғон халқи учун ўзига хос туҳфа бўлади. Дарахт кўчатлари шаҳар кўчалари, Мозори-Шарифдаги Амир Темур номидаги боғ ҳамда буюк ўзбек шоири ва файласуфи Заҳириддин Муҳаммад Бобур қабри жойлашган Кобул шаҳридаги “Бобур боғи”га етказилади.

Инсонпарварлик ёрдамини расмий топшириш маросими чегара ҳудудида жойлашган Ҳайратон аҳоли пунктида бўлиб ўтди. Унда Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари, Балх ва Ҳайратон маъмурияти раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этишди.

**«Жаҳон»АА.**

# Электрон луғат қўл келмоқда

***Электрон китоблар ахборот етказишнинг замонавий воситаси сифатида ҳаётимизга кириб келмоқда. "Ўзбегим дастурлари" электрон нашрлар таҳририяти компьютер технологияларидан кенг фойдаланувчиларга нашрларни электрон талқинда етказиш билан шуғулланади.***

– Фаолиятимизни электрон луғатлар яратишдан бошлаганмиз, – дейди жамият директори Феруз Валиев. – Иш юритишда қулай бўлгани туфайли уларни тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар, компания ва банк ходимлари бажонидил харид қилишяпти. Шу вақтгача ўзбек-рус-инглиз тилларида тайёрланган "Банк", "Иқтисод", "Ҳуқуқ", "Иш юритиш" луғатлари ёнига эндиликда "Молиявий атамалар" тўплами ҳам қўшилди. Айни пайтда тилшунос олимларни жалб этган ҳолда юз минг сўздан иборат инглизча-ўзбекча-русча луғат устида иш олиб бормоқдамиз.

"Ўзбегим дастурлари" электрон нашрлар таҳририяти бу борада Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Кибернетика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Лингвистика лабораторияси жамоаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
## «RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO`LIMI» MCHJ

**2004 йил 17 февраль куни ўтказилган кимошди савдосида Қуйичирчиқ тумани ва Оҳангарон шаҳрида жойлашган 2 та ер майдони 225 000 сўмга сотилди. 2 та давлат автотранспорт воситаси жами 4 850 000 сўмга сотилди.**

**2004 йил 23 февраль куни ўтказилган кимошди савдосида 3 та давлат автотранспорт воситаси жами 5 000 000 сўмга сотилди.**

**2004 йил 2 март куни ўтказилган кимошди савдосида 2 та давлат автотранспорт воситаси жами 3 350 000 сўмга сотилди.**

**2004 йил 18, 20 февраль кунлари ўтказилган биржа савдоларида Юқоричирчиқ, Қибрай туманлари ҳудудида жойлашган 9 та нодавлат қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк бинолари жами 24 870 000 сўмга ва Чирчиқ шаҳри, Қибрай, Паркент, Тошкент туманлари ҳудудида жойлашган 7 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 18 115 200 сўмга сотилди.**

**2004 йил 23, 25, 27 февраль кунлари ўтказилган биржа савдоларида Юқоричирчиқ, Қибрай туманлари ҳудудида жойлашган 8 та нодавлат қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк бинолари жами 9 470 000 сўмга ва Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Бекобод, Чиноз, Оҳангарон, Юқоричирчиқ туманлари ҳудудида жойлашган 10 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 216 510 400 сўмга сотилди.**

**2004 йил 1, 3, 5 март кунлари ўтказилган биржа савдоларида Бекобод шаҳар, Юқоричирчиқ, Қибрай туманлари ҳудудида жойлашган 15 та нодавлат қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк бинолари жами 8 961 000 сўмга ва Бекобод шаҳри, Юқоричирчиқ, Қибрай, Тошкент туманлари ҳудудида жойлашган 9 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 14 952 000 сўмга сотилди.**

**ДИҚҚАТ! Аввалги савдоларда сотилган ва савдо натижаси бекор қилинган қуйидаги ер майдонлари 2004 йил 16 мартдан бошлаб қайтадан кимошди савдосига чиқарилади:**

1. Қуйичирчиқ тумани, «Улуғбек» ширкат хўжалиги, «Мингчинор» қишлоғида жойлашган, № 3, 24, 72, 62, 7, 35 ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 43 500 сўм.**

2. Паркент тумани, «Бўстон» ширкат хўжалигида жойлашган, сатҳи 600 кв.м. бўлган, № 7, 25, 26, 27 ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 43 500 сўм.**

3. Паркент тумани, «Гулбоғ» ширкат хўжалигида жойлашган сатҳи 0,04 Га бўлган, № 11, 27 ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 73 920 сўм.**

4. 2004 йил 17 февралдаги кимошди савдосида сотилган қуйидаги автотранспорт воситаси савдо натижаси бекор қилинганлиги сабабли 2004 йил 16 мартдан бошлаб кимошди савдосига қайтадан чиқарилади:

Олмалиқ шаҳар ДСИга қарашли ТИКО русумли, давлат рақами 11 AE 323, 1998 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 1 580 800 сўм.**

5. 2004 йил 24 февралдаги кимошди савдосида сотилган қуйидаги автотранспорт воситаси савдо натижаси бекор қилинганлиги сабабли 2004 йил 16 мартдан бошлаб кимошди савдосига қайтадан чиқарилади:

Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институтига қарашли Тойота Карина русумли, давлат рақами 11 AD 369, 1990 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 1 145 700 сўм.**

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

*107-модда. Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.*

***Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.***

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бу моддасига кўра суд ҳокимияти беш турда иш юритиши билан таърифланади. Булар: конституциявий, жиноят, фуқаролик, хўжалик-ҳуқуқий ва маъмурий (юрисдикцион) ишлардир. Шу билан бирга судлар меҳнат ҳуқуқи ва оила ҳуқуқи билан боғлиқ ишларни ҳам кўрадилар.

Ушбу модда суд ҳокимияти бирлигини ўрнатади ва у қуйидаги йўл билан таъминланади:

барча судлар ва судьялар Ўзбекистон Республикаси қонунлари томонидан ўрнатилган суд юритувчи қоидаларига риоя қилиши;

барча судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ норма ва принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган халқаро шартномаларнинг қўлланилиши;

Қорақалпоғистон Республикаси судлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ норма ва принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган халқаро шартномаларнинг қўлланилиши;

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида қонуний кучга кирган судларнинг ҳукм, ажрим ва қарорларининг тан олиниши ва сўзсиз бажарилиши;

судьялар мавқеи бирлигини қонунчиликда қайд этилиши;

судлар ва судьяларнинг давлат бюджетидан молиявий жиҳатдан таъминланиши.

Одил судловнинг фақат судлар томонидан амалга оширилиши шу хулосага олиб келадики, Конституция асосида қонуний ташкил қилинадиган ва қонунда кўрсатилган ҳолатларда одил судловни фақат судлар амалга оширади ва улар (халқ маслаҳатчилари) жиноят, фуқаролик ва бошқа ишларни кўриб чиқиш ва ҳукм, қарор чиқариш, шу билан давлат мажбурловини қўллаш ваколатига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

«Судлар тўғрисида»ги Қонунда таъкидланишича, судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир. Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга. Судларнинг раислари, раис ўринбосарлари айни вақтда судьялардир.

Мазкур қонунга биноан йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган, судьялар заҳирасида турган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.




Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан, ҳарбий судлар учун эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан белгиланади. Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда берган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биргаликдаги тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Суд ишларини ҳал қилишда судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди. Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судларга қандай бўлмасин бирон бир тарзда таъсир ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Бундан ташқари, кўрилган ёки судловида бўлган ишлар моҳияти бўйича судьядан бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади. Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан белгилаб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас. Оммавий ахборот воситалари ва судлар ўртасидаги муносабатлар муҳим саволлардан бири бўлиб, журналистларни суд муҳокамаси залига киритиш, баъзи бир суд жараёнлари овозини ёзиш, фото ва видеоёзувга олишда маълум тақиқлашлар билан боғлиқ.

Қонунда суд аппаратининг фаолият масалалари тартибга солинган. Суд ижрочисининг фаолияти махсус қонунда қайд этилган. Шунингдек, қонунда судларнинг таркибий тузилиши ва штатлари, судларни молиялаш ва уларнинг моддий-техника таъминоти кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ўз матбуот органларига, илмий — маслаҳат кенгашига эга бўлиши кўрсатилган. Судлар Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади. Судларда давлат ҳокимияти рамзлари ҳам мавжуддир, яъни суд биноси узра Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, суд мажлиси залларида эса Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ўрнатилади.

Одил судловни судьялар махсус кийимда олиб борадилар. Судьянинг махсус кийими тавсифи ва намуналари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Судьяларга белгиланган намунадаги судьялик гувоҳномаси берилади.

**Эргаш САИТОВ,**
**Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.**

Olamda nima gap?

## ГЕРМАНИЯ: ХРИСТИАН-ДЕМОКРАТЛАР ФАОЛЛАШМОҚДА



Германияда президент сайловига тайёргарлик авж олмоқда. Ҳукмрон Социал-демократик партия (СДП) ва унинг асосий мухолифи саналган Христиан-демократик иттифоқ (ХДИ) сайлов кампаниясини бошлаб юборди.

Германия парламентар республика ҳисобланади. Шу боис мамлакатда президент тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан эмас, олий қонун чиқарувчи орган томонидан сайланади.

23 майда ўтадиган президент сайловига ХДИ ўз номзодини кўрсатиб бўлди. Таъкидламоқ жоизки, бу галги курашда христиан-демократлар ёлғиз эмас. Бавария Христиан-социал иттифоқи (ХСИ) ва Либерал демократик партия (ЛДП) ХДИ билан биргаликда ҳаракат қилаётир. Улар ўзаро келишиб, ГФР президентлигига Бундестагда (парламент) ХДИ фракциясига раислик қилаётган Волфганг Шойбле номзодини илгари сурди.

Президент сайлови парламентнинг юқори палатаси – Бундесратда ўтади. Унда СДП мухолифларининг салмоғи анча катталиги В.Шойбленинг имкониятларини оширади.

## ИРОҚ: ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА



"Ишлаб чиқилган ҳужжат мамлакатдаги кескинликни юмшатиши қийин бўлса-да, Ироқда ҳаётни изга тушириш, мамлакатнинг истиқболдаги йўлини белгилаб беришда беқиёс аҳамият касб этиши тайин". Жаҳон оммавий ахборот воситалари Ироқда қабул қилинган мамлакат конституциясининг илк лойиҳасига шундай муносабат билдирди.

Расман "ўтиш давридаги бошқарув қонуни", деб аталувчи ҳужжат унга Ироқ муваққат маъмурияти раҳбари Пол Бремер имзо чеккач кучга кирди. Кузатувчиларнинг айтишича, ҳужжатни ишлаб чиқишдан кўра қабул қилиш, Ироқ муваққат бошқарув кенгашига кирувчи барча гуруҳ вакилларининг манфаатларини ҳисобга олиш қийинроқ кечган. Айниқса, келажакда мамлакат қонунчилигида диннинг ўрни ва аҳамияти, давлат тузилиши, ҳокимият органларида аёлларга ажратиладиган ўринлар каби масалалар бўйича баҳс-мунозаралар қизғин бўлган.

Ироқ муваққат бошқарув кенгаши аъзоларининг айтишича, айни пайтга келиб, томонлар бўлажак конституциянинг барча моддалари бўйича бир тўхтамга келишга муваффақ бўлган.

## ФРАНЦИЯ: ТОВЛАМАЧИЛИККА АСОСЛАНГАН ТЕРРОР

Франция полицияси мамлакат темир йўлларини текширувдан ўтказишга мажбур бўлди. Мазкур чора қўпорувчилик ҳаракатининг олдини олиш мақсадида амалга оширилди.



Бугунгача номаълум ҳисобланган AZF террорчилик ташкилоти аъзолари темир йўлларга ўнта соат механизмли портловчи қурилма ўрнатилганини маълум қилиб, ҳукуматдан тўрт миллион АҚШ доллари ва бир миллион евро миқдорида тўлов талаб қилди. Акс ҳолда, бомбаларни портлатишини айтди.

Франция транспорт вазирининг кўрсатмаси билан 32 минг километрдан зиёд темир йўл тармоқлари текшириб чиқилди. Полициячилар аввало йўловчи ва хавфли юк ташувчи поездлар ҳаракатланадиган йўлларни кўздан кечирди. Тоннеллар ва вокзалларда махсус патрул хизмати йўлга қўйилди.

Миллий темир йўл компанияси вакилининг сўзларига қараганда, қидирув чоғида ҳеч қандай шубҳали ашё топилмаган. У қатнов илгаридагидай давом этаётганини таъкидлаб, бирор таҳдид тўғрисида хабар олинса, зудлик билан зарур чоралар кўрилажагини маълум қилди.

Шундай бўлса-да, муаммо ҳал этилди, дейишга ҳали эрта. Ўтган йили Францияда АҚШдагидек террорчилик хавфи даражасини кўрсатиш мақсадида ранглар жорий этилиб, бу борада хавфсизликни таъминлашга қаратилган "Вижипират" режаси ишлаб чиқилган эди. Ҳозир мамлакат ҳуқуқ-тартибот органлари тўқ сариқ ранг шароитида ишлаяпти. Муқаррар хавфни англатувчи қизил ранг пайдо бўлса, билингки, аксилтеррор операциясига махсус хизмат ва армия ҳам жалб этилган бўлади.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

## БАЙРАМ ЎЗГАЧА НИШОНЛАНАДИ

***Бу йилги Наврўз байрами тантаналари Олмалиқ шаҳрида ўзгача нишонланиши режалаштирилмоқда. Хусусан, шаҳарда кўп миллатли аҳоли яшашини ҳисобга олиб, Наврўз байрами 41та маҳалладан 15 тасида у ерда истиқомат қилувчи турли миллат вакилларининг урф-одатлари асосида ўтказилади.***

Унда миллий таомлар пиширилади, ўйинлар ва мусобақалар уюштирилади. Бундан мақсад миллатлар ўртасидаги тотувликни янада жонлантириш, уларнинг анъаналари ва урф-одатларига бўлган ҳурматни мустаҳкамлашдир.

Шунингдек, шаҳарда байрам куни маҳаллаларда 4 та хусусий халқ хўжалиги моллари билан савдо қилувчи дўконлар очилади ва шу куни бу ерда маҳсулотлар арзонлаштирилган нархларда сотилади.

**Равшан РУСТАМОВ.**

## МАКТАБДА ҲАШАР

***Юқоричирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида жойлашган 3-ўрта умумтаълим мактабида ўқитувчи ва ўқувчилар Наврўз байрамига тайёргарлик ишларини қизғин давом эттиришмоқда. Мактаб атрофларини тозалаш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Мактабда таълим-тарбия олаётган 905 нафар ўқувчининг баркамол бўлиб ўсиши учун кутубхона, футбол майдони ва ёпиқ спорт зали, адабиёт ҳамда «моҳир қўллар» тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Компьютер синф хонасидаги машғулотларга ўқувчилар алоҳида қизиқиш билан қатнашишади. Шу кунгача мактаб атрофидаги ташландиқ ерлар ҳашар йўли билан ободонлаштирилиб, 50 туп терак кўчати, 10 туп ёнғоқ, 30 туп гилос, 40 туп бошқа мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

Келажак фермерларники

***Республикамизда фермерларга барча қулайликлар, шароитлар яратиб берилаяпти. Бу фаолият билан нафақат эркаклар, балки аёлларимиз ҳам шуғулланиб, ижобий натижаларга эришмоқдалар.***



# ЎРИН АЯНИНГ НИЯТИ

Оққўрғон туманидаги Ўрин Худойқулова ташкил этган фермер хўжалиги ҳам анча кўзга кўриниб қолди.

— 1999 йили «Маданият» ширкат хўжалиги ҳудудидан 10 гектар ер олиб, ўз фермер хўжалигимни ташкил этдим, — дейди Ўрин ая. — Ўн гектар ер албатта кам, лекин, дастлабки пайтда кўп ер олсам, қийналиб қолардим.

Сабаби ҳеч қандай техника ҳам, моддий база ҳам йўқ эди. Фақатгина оилам билан жамғарган озгина пул бор эди, холос.

Ҳозир фермер хўжалигининг етти гектар ери чигит экишга тахт қилиб қўйилган. Уч гектарида буғдой ям-яшил майса бўлиб ўсмоқда.

Кузда пахтани йиғиштириб олишимиз билан дарров ҳайдовга тушамиз. Ҳар бир деҳқон кузда ҳайдалган ернинг баҳордаги ҳолатини яхши билади. Шудгор қилишда қийналмайман. Ўзимизнинг битта ҳайдов, иккита чопиқ тракторимиз бор. Мана шулар кунимизга ярамоқда.

«Ўрин ая» фермер хўжалиги олдинги йилда пахта ҳамда ғалла режасини ортиғи билан уддалади.

— Хабарингиз бўлса керак, ўтган йилда кўп ғўза майдонларини кўсак қурти босди, — давом этди Ўрин ая. — Бу ҳашарот кўпайиб кетса, қилган меҳнатингиз бесамар кетади. Пахтазорларимда шундай ҳолатни кўргач, отам тажрибасидан келиб чиқиб иш юритдим. У киши «ғўзага кўсак қурти капалаги ораласа, қатор ораларни тинмай чангитиб, культивация қилиш керак», дер эдилар. Биз ҳам шу ишни қилдик. Натижаси яхши бўлди, ҳақиқатда капалак қўнмади. Кўсак қуртидан ғўзалар зарарланмади. Ёнгинамдаги фермер хўжалиги бу ҳашаротдан катта зиён кўрди. Ўн нафар фарзанд кўриб, уларни уйли-жойли қилган бўлса ҳам, ая ҳали-ҳануз тинч ўтирмайди.

— Ҳукуматимизга раҳмат, мана беш йил фермер бўлиб ишлаб келаётирман, — дейди ая. — Тўғри, дастлабки икки йил бироз қийинроқ кечди. Аммо, уч йилда ўзимни тиклаб, етти ўғлимга уй-жой қурдим. Ҳар бири машинали бўлди. Меҳр ва мурувват йилида кўплаб хайрли ишлар бошладик.

Туманимиз ҳокими «ҳудудимиздаги меҳрибонлик уйининг 300 нафардан ортиқ болаларини оталиғимизга олайлик» дедилар. Барча фермерлар ва тадбиркорлар бу ташаббусни маъқулладик. Мен ҳам икки нафар болани ўз оталиғимга олдим. Ҳозир улардан мунтазам хабар олиб турибман. Меҳрибонлик уйига пул ўтказиб бердим. Мақтаниш учун эмас, ўз фаолиятини тўғри йўлга қўя билган ҳар бир фермер ҳеч қачон кам бўлмаслигини таъкидлаш учун айтаяпман бу гапларни.

— Мен Наврўз арафасида барчага соғлиқ-саломатлик тилайман. Хонадонларидан ҳеч қачон файзу барака аримасин, — деб сўзини якунлади Ўрин ая Худойқулова.

**Камолиддин АСҚАРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## Гамбургда иқтисодий анжуман

***Гамбург Савдо палатасида «Иқтисодий ҳамкор — Ўзбекистон» мавзусида Германия-Ўзбекистон анжумани бўлиб ўтди. Мамлакатимиз элчихонаси ҳамда Германиянинг Шарқий ва Марказий Европа бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда қирқдан ортиқ компания ва фирмалар, турли банк тузилмалари, сиёсий ва жамоатчилик доиралари вакиллари иштирок этди.***

Шарқий ва Марказий Европа бирлашмаси бошқаруви раиси У.Дитч форумни очар экан, Ўзбекистон ўзининг геосиёсий мавқеи, иқтисодий салоҳияти жиҳатидан Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллашини қайд этди. Шу муносабат билан иқтисодиётнинг турли жабҳалари, ахборот технологиялари, қурилиш ва банк секторида фаолият олиб бораётган Германия, жумладан, Гамбургдаги йирик компания ва фирмаларнинг ўзбек бозорига кенг кўламда кириб бориши икки томонлама муносабатларда устуворлик касб этиши керак. У.Дитч Ўзбекистон ҳукумати томонидан хорижий компания ва фирмаларнинг самарали фаолияти учун зарурий шароитни яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатимизга нисбатан қизиқишни янада ортишига хизмат қилаётганлигини алоҳида зикр этди.

Гамбург ишбилармон доиралари вакилларига Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, иқтисодиёт ва банк секторини либераллаштириш бўйича қилинаётган ишлар, давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёни ҳақида батафсил ахборот берилди.

Семинар давомида бўлиб ўтган баҳс-мунозаралар гамбурглик ишбилармонларнинг ўзбек ҳамкасблари билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлиги, халқ хўжалигининг турли соҳаларига янги технологияларни жорий этишда кўмак беришга тайёрлигидан далолат берди. Нефть-газ саноати, электротехника ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги, банк тизими, ахборот технологиялари, сайёҳлик соҳаларида ўзаро муносабатларни йўлга қўйишдаги имкониятлар, айниқса, немис тадбиркорларида катта қизиқиш уйғотди.

**«Жаҳон» АА.**




## ҲАМ ДАВОЛАНАСИЗ, ҲАМ ДАМ ОЛАСИЗ!

**”Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига қарашли**

**“НАВБАҲОР“ сиҳатгоҳи**

**сўлим табиат ва хушҳаво боғ-роғлар қўйнида жойлашган. Қарийб чорак асрдан буён қишин-ёзин фаолият кўрсатиб келаётган ушбу даргоҳда неча минглаб кишилар саломатликларини тиклаб кетмади, дейсиз.**

**“НАВБАҲОР“ СИҲАТГОҲИДА қуйидаги хасталиклар даволанади:**

- нафас олиш аъзолари (бронхит, ўпка шамоллаш қолдиғи);
- юрак қон-томир тизими (I, II даражали гипертония касаллиги, атеросклероз касалликлари ва ҳоказо);
- асаб тизими ва бўғин касалликлари;
- сурункали бод, неврит, невралгия;
- спондилёзлар, асабийлашиш, томир дистонияси;
- сурункали жигар ва ўт қопи йўллари касалликлари;
- енгил даражадаги қанд касаллиги;
- оёқ томирлари касаллиги.

Сиҳатгоҳда нина-терапия, массаж, сочма (циркуляр) душ, буғ ҳаммоми, қишки бассейн, марварид ванналари, ионли заррачалар хонаси, озокерит (парафин), гальваник ёқа, электр сандал, тубус, УВЧ, дарсонваль ва кўплаб муолажа усулларидан фойдаланилади. Шунингдек, бу ерда кино зали, кутубхона, бильярд хоналари, фитобар мавжуд.

**“НАВБАҲОР“ СИҲАТГОҲИГА ЙЎЛЛАНМАЛАР НАРХИ:**
**15 кунга – 110.000 сўм.**
**10 кунга – 74.000 сўм.**

**Манзил:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтқўрғон қишлоғи, Охунбобоев кўчаси, 1. Метронинг “Буюк Ипак йўли“ бекатидан Тошкент – Чирчиқ маршрутли такси ҳамда 216-автобусда борилади.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**133-71-08, 136-60-72,**
**136-53-28, 131-26-60.**



## «Жаҳон» ахборот агентлиги хабар қилади

### «Ўзбек маҳалласи» Голландияда

***Голландиянинг Гаага шаҳри муниципалитети биносида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва одатлар» мавзуидаги фотокўргазма очилди. Кўргазмада ўзбекистонлик фотоусталарнинг 60дан зиёд ишлари намойиш этилди. Уларнинг барчаси маҳалла, унинг тарихи ва ҳозирги замон ўзбек жамиятидаги ўрни мавзуини акс эттиради.***

Илк бор ушбу кўргазма мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» муносабати билан 2003 йилнинг иккинчи ярмида Брюсселда - НАТО бош қароргоҳи ва Европа парламентида ҳамда Бельгиянинг Антверпен ва Кортрейк шаҳарларида Европа жамоатчилиги эътиборига ҳавола этилган эди.

Гаагадаги ҳозирги фотокўргазма Ўзбекистон бадиий академияси, Тошкент фотосуратлар уйи, Ўзбекистоннинг Бенелюкс мамлакатларидаги элчихонаси ва Гаага муниципалитети саъй-ҳаракатлари туфайли ташкил этилди.

Гаага ҳокимининг сиёсий маслаҳатчиси Крис Мое кўргазмани очар экан, Голландия жамоатчилигининг Ўзбекистонга, ўзбек халқининг маданияти ва анъаналарига бўлган қизиқишининг тобора ўсаётганини таъкидлаб, фотокўргазманинг бой маданий анъаналаримизни Голландия халқига янада кенгроқ танитишга кўмак беришига умид билдирди.

***1995 йилда ташкил топган Тошкент давлат авиация институти биринчи кундан буён Киев фуқаро авиацияси муҳандислари институти ҳозирда Украина Миллий авиация университети билан мустаҳкам алоқаларга эга.***

### Олий ўқув юртлари ҳамкорлиги

2000 йилда икки олий ўқув юрти ўртасида авиаходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида шартнома имзоланган эди. Ўтган муддат ичида ушбу шартнома доирасида муҳим ишлар амалга оширилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг қатор раҳбар ходим ва етакчи мутахассислари ихтисослашган курсларда таҳсил олишди.

Жорий йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган икки олий ўқув юрти раҳбарлари – В.Бабака ва М.Икромовнинг учрашуви ҳамкорликка янги туртки бериши муқаррар. Томонлар ўқув режалари ва дастурлари, услубий қўлланмаларни мукаммаллаштириш, талаба ва ўқитувчилар билан алмашиш, муштарак илмий тадқиқотлар олиб боришга тайёрлигини изҳор этишди.

### Истанбулда Қодирий кечаси

***Истанбулда ўзбек адабиётининг буюк намояндаси Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш доирасида кеча бўлиб ўтди.***

Истанбул шаҳар мэрияси ҳузуридаги маданият маркази томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда мамлакатимиз кино усталари ва адабиётшуносларидан иборат Ўзбекистон ҳайъати ҳам иштирок этди.

Кечада таниқли адабиётшунос Наим Каримов, кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов ва мезбон юрт олимлари ўзбек романнавислиги асосчиси Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, буюк адиб меросининг аҳамияти ва маънавий бойлигимизни янада юксалтиришга қўшган ҳиссаси, асарларининг бетакрорлиги, уларда кўтарилган самимий меҳр-оқибат муносабатлари тўғрисида сўзладилар. Тадбирда сўзга чиққан туркиялик профессор Тефик Исмоил Абдулла Қодирийни нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган ёзувчи, деб таърифлади.

Абдулла Қодирий ҳаёти ва ички кечинмалари ҳақида ҳикоя қилувчи «Руҳ» ҳужжатли фильми ва адибнинг «Ўткан кунлар» асари асосида суратга олинган бадиий фильм намойиши кеча иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

## МАЪНАВИЯТ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

***Ўзбекистон миллий университетида ҳар ойда ўтказилаётган Маънавият кунлари талабаларда илиқ таассурот қолдирмоқда.***

Бу галги тадбирда ҳам таниқли ёзувчи-шоирлар, фан ва маданият ходимлари, давлат ва жамоат арбоблари инсон маънавияти ва уни шакллантириш масалаларига бағишланган маърузалари билан талабалар ҳузурида меҳмон бўлдилар.

Айниқса, университет ҳомийлигида маданият ва истироҳат боғлари, тарих музейларига уюштирилган саёҳатларда талабалар мазмунли ҳордиқ чиқардилар. Алишер Навоий номидаги санъат саройида бепул намойиш этилган «Осмондаги болалар — 2» фильми ҳам барчага манзур бўлди.

**Акром ЭРГАШЕВ, ЎзМУ талабаси.**

Буни ҳаёт дейдилар

## ҒИЗҒИЗОН

— Айланай, қизим, қўйинг шу арзимас гапга асабийлашиб нима қиласиз? — Ҳадича хола кенжа келинини сира юпатолмасди. — Ўзи ўша Дилфуза ўттиздан ўтиб ҳам қуюлмади. Сиз нега ўпкалайсиз болам, ахир, у кўрнамак акаси Саъдуллани билмади-ю, бегонани билармиди?!

Қайнонасининг куйиб-пишиб айтган гаплари Зилолани сал ҳовуридан туширгандек бўлди. Дилфуза бу шаҳарга акасини қора тортиб келганди, аммо, янгаси Ҳалимани таниш-нотанишларга қоралайвериб, ўзи ҳам ҳаммага шумшук кўриниб қолди. Чунки, атрофдагилар янгасининг ҳокисорлигини аллақачон илғаб бўлишганди. Дилфуза эса, унинг тамоман акси, элликни қоралаб қолган Ҳалима опа эга бўлган фазилатларнинг бирортаси унда йўқ эди...

Бу ҳақиқатни илғаган Зилола бир давра хотинларнинг орасида гарчи янгасидан сўз кетмаса-да, уни ёзғириб кетган Дилфузадан ошкора ранжиди.

— Янгамнинг қизи турмушдан ажрашган, ўғли енгилтабиат...

Ўтирганлар бир-бирларига зимдан қараб олишди. Дилфузанинг терилган қошлари чимирилиб, чала-чулпа бўялган кўзлари қисилиб, сўзида давом этарди:

— Акам роса бўшашганда...

Шу ерга келганда Зилола чидаб туролмади:

— Қўйинг, Дилфузахон, ҳадеб акангизга тош отаверманг, ахир унга теккан тош сизгаям тегади-ку?!

— Ҳе, менинг унақа акам йўқ!

— Шу гапни бекор айтдингиз, синглим. Нима бўлгандаям жигарингиз...

— Ақл ўргатмаган сиз қолувдингиз? — юлқинди Дилфуза. — Анову Ирода опаям икки гапнинг бирида «Янгангиз маҳалланинг оқила аёлларидан» деб ваъз ўқийвериб, қулоқ-миямни қоқиб берувди. Икковингиз янгам билан «қадрдон»сизлар-да.

Ўтирганларнинг янаям таажжублари ортиб, тортишаётган аёлларни муросага чақирмоқчи бўлдилар.

— Зилола ҳақ, Дилфуза, Ҳалима опа ёмон аёл эмас, — гап бошлади Моҳичеҳра опа.

— Э-э, нима деяпсиз, опа ўша янгам сизни ғирт бузуқи аёл деган, билсангиз, — жағи-жағига тегмай гапирди Дилфузанинг. — Зилола опанинг эрини ёмонлаган. Маҳбубаниям тўнка, бефаросат деган, тушундингизми? Муҳаббатнинг онасини шайтоннинг урғочиси деганини эрим ҳам эшитган. Ҳа! — илонга ўхшаб вишилларди Дилфуза. Аслида бу бижғиган гаплар унинг ўз уйдирмаси эди.

— Қўйинг-э, эндигина икки боланинг онаси бўлдингиз, болангизнинг олди мактабгаям чиқмаган. Сал уялинг, Ҳалима опа невараларини бағрига босиб ўтирибди.

— Нима қипти ўтирса...

Аёлларнинг ичида ғалағовур бошланди. Кимдир ўзи ҳақидаги ғийбатга ишонса, кимдир бўлмағур гап, дея қўл силтаб ўрнидан туриб кетди.

— Нега менга тош отади янгангиз, — ташланди Моҳичеҳра. — Арпасини хом ўрибманми?

— Қўйсангиз-чи, — орага тушди Зилола яна. — Ҳозиргина ўзингиз Ҳалима опанинг қўлидан ёмонлик келмаслигини айтиб турувдингиз. Наҳотки, ҳар хил бўҳтонларга ишонсангиз. Ахир, сизнинг қизингиз теварагидаги номаъқул гаплар тарқалганида ҳам, энг аввало Ҳалима опа уларни бартараф этмаганмиди?!

Моҳичеҳра ўйланиб нари кетди. Тўғри-да, куни кеча ана шу Дилфузанинг ғаламислиги сабаб ҳам — холаваччаси Ирода билан юзкўрмас бўлиб кетай деди-я? Шуларни ўйлаб, Моҳичеҳра боласини кўтариб жўнади...

— Эсингизни йиғинг, синглим, лоақал, акангизнинг юзхотирини қилсангиз бўлармиди?! — Зилола такрор Дилфузани инсофга чақирди. — Янгангизнинг қизи тенги бўлсангиз...

— Сизга нима, оғирлигим тушаяптими, ўзингизни билинг, турмушингиз бузилиб...

— Аҳмоқ! — Зилола Дилфузанинг юзига тарсаки тортиб юборганини билмай қолди. — Яхшиликни билмаган нодон! Энди билдим, нега ҳамма сендан вабодан қочгандай узоқлашаётганини.

Зилола қараса, қаршисидаги аёл тўғри гапни уқмайдиган, рангпар жуссасидан заҳар чакиллайди. Унга этагини қоқиб, уйига кириб кетди.

Дилфуза эса ёмон ари чаққандай бир-икки тўлғониб, атрофга қараб чийиллади:

— Ўл-е, ҳамманг, янгамнинг изини ялайсанлар!

Ўтган-кетганлар Дилфузанинг ғизғизонлигини тушуниб қолишганди, унинг чинқириғига эътибор ҳам беришмади. Дилфуза ўғли билан қизини силтаб тортганча шанғиллаб уйига кириб кетди...

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ* *СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

## ЧЕМПИОНАТ КАРВОНИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ



***4 март куни футбол бўйича Ўзбекистон XIII миллий чемпионатининг олий лига жамоалари биринчи тур учрашувларини ўтказди. Жорий мавсумда юқори лигада ўн тўртта жамоа иштирок этмоқда.***

Дастлабки турда пойтахт ва Қарши шаҳрида ўтказилган икки "дерби" мухлису мутахассислар эътиборида бўлди. Тошкентда "Трактор" ўтган йилги мамлакат чемпиони - "Пахтакор"ни қабул қилган бўлса, Қаршининг "Насаф" жамоаси ўз майдонида воҳанинг яна бир кучли клуби - "Машъал" билан беллашди.

Гарчи "Трактор" ўтган йилги мавсумда олий лигада жон сақлаб қолиш учун курашган бўлса-да, мавсум оралиғида жамоа раҳбарияти футболчиларни навбатдаги миллий чемпионатга жиддий тайёргарлик кўриши учун қулай шарт-шароит яратиб берди. Бундан ташқари, таркиб А.Аҳмедов, И.Мўминжонов, Т.Айзатуллов ҳамда Н.Ҳасанов сингари тажрибали ўйинчилар билан кучайтирилди. Мана шу омиллардан келиб чиқиб, "Трактор" ўз майдонида пахтакорчиларга жиддий қаршилик кўрсатиши кутилганди.

"Пахтакор" эса Осиё чемпионлар лигаси туфайли мавсумни анча эрта – 11 февралда бошлаган эди. Шундан сўнг пахтакорчилар Ўзбекистон футбол федерацияси кубоги мусобақасида бош совринни қўлга киритди, чемпионлар лигасининг иккинчи турида ўз майдонида "Қатар спорт клуб" жамоасини 1:0 ҳисобида енгиб, миллий чемпионатга яхши кайфият билан киришди. Бу ҳолат "Трактор" билан кечган ўйинда яққол билиниб турди. "Трактор" учрашув бошланиши билан ҳужумга ўтган бўлса-да, чемпион жамоаси қисқа фурсат мобайнида ташаббусни ўз томонига оғдирди. Бироқ биринчи бўлимда "Трактор" посбони А.Аҳмедовнинг ишончли ҳаракати дарвоза дахлсизлигини сақлаб қолди.

Танаффусдан сўнг пахтакорчилар ҳужумни янада кучайтирди. Ўйиннинг иккинчи ярмида З.Тожиев иккита, Л.Кошелев, С.Жепаров ва Б.Ваҳобов биттадан гол уришга муваффақ бўлишди. Бу йил ҳам чемпионлик унвонини ҳимоя қилаётган "Пахтакор" рақиб устидан 5:0 ҳисобида йирик ғалаба қозонди.

XII миллий чемпионатнинг бронза медалига сазовор бўлган Наманганнинг "Навбаҳор" жамоаси ўз майдонида "Металлург" (Бекобод) билан куч синашди. Беллашувнинг биринчи бўлимида ўтган йилги чемпионат тўпурари Ш.Мирхолдиршоев мезбонларни олдинга олиб чиқди – 1:0. Ўйин тугашига тўрт дақиқа қолганида наманганликлар сафига янги қўшилган нигериялик легионер П.Огбо ҳамда ўтган мавсумни Латвиянинг "Рига" жамоасида ўтказган В.Клишин ҳисобни 3:0 га етказди.

Мамлакатимизнинг кучли жамоаларидан бири – "Қизилқум" (Зарафшон) Сурхондарёнинг "Сурхон" жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Чемпионатдаги илк дуранг натижа Жиззахда қайд этилди. Олий лига дебютанти - "Сўғдиёна" ўз майдонида "Андижон"ни енголмади. Учрашувдаги ҳисобни 21-дақиқада меҳмонлар футболчиси Ш.Юсупов очди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас тажрибали ҳужумчи Ф.Ҳабибуллин "Сўғдиёна"га дастлабки очкони келтирган гол муаллифи бўлди - 1:1.

Биринчи тур якунига кўра, мусобақа жадвалида учтадан очко тўплаган "Пахтакор", "Нефтчи", "Навбаҳор", "Насаф" ҳамда "Қизилқум" жамоалари пешқадамлик қилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, чемпионат медаллари учун кураш асосан мазкур жамоалар ўртасида кечади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

## «АРАНЧИ»ДА ВАРРАК УЧДИ



***Ўртачирчиқ туманидаги Республика Миллий авиация спорт клубининг «Аранчи» аэродромида авиамодел бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари марказининг ташаббуси билан ўтказилган ушбу беллашувда республикамизнинг 11 та вилоят ҳамда Тошкент шаҳридан келган 19 та жамоа куч синашди.



Мусобақа якунига кўра, умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Сирдарё вилояти, 2-ўрин Тошкент вилояти, 3-ўрин эса, Тошкент шаҳри жамоасига насиб этди. Шахсий биринчиликда лайлакли учириш турида биринчи ўринни сирдарёлик Константин Шлапок, иккинчи ўринни наманганлик Линур Габидулин, учинчи ўринни Тошкент вилояти жамоасида иштирок этган ўртачирчиқлик вакил Алексей Ли қўлга киритди.

Варраклар бўйича Тошкент вилояти жамоаси аъзоси Андрей Скворцов биринчи, сирдарёлик Дмитрий Ли иккинчи, учинчи ўринни эса, наманганлик Марат Сатторов эгаллашди.

Бундан ташқари мусобақаларнинг қутили варрак тури бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Унга мувофиқ сирдарёлик Али Саидумаров бир, жиззахлик Воҳид Холматов икки, пойтахтлик Мажид Абдуқаҳҳоров учинчи поғонани забт этишди.

Мусобақа ғолиблари ва энг ёш иштирокчи — тошкентлик Бобур Саидов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси Ўртачирчиқ туман бўлимлари ҳамда ҳомийлар томонидан муносиб тақдирландилар.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

***СУРАТЛАРДА:*** *мусобақадан лавҳалар.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Сканворд




Тузувчи: Акромжон ХЎЖАМОВ.

Халқ табобати

## КАРАФС



Кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, поялари тўғри ўсади, ўртасидан шохлайди, ичи ғовак бўлади. Барг япроғи — чўзинчоқ ёки наштарсимон, уч парракли. Мевалари — икки томони қисилиб келган, деярли думалоқ икки уруғли.

Июлда гуллайди, август-сентябрда мевалари етилади. Республикамизнинг кўпгина вилоятларида ариқлар бўйида, кўлмак сувлар яқинида, кўпинча дарё ёқаларида ёввойи ҳолда учрайди.

Халқ табобатида карафс зотилжам, бронхиал астма, гепатит, қорин дамланиши, ҳиқичоқ тутиши, бел оғриғига даво қилиш учун, шунингдек, пешоб, ўт ва ел ҳайдайдиган, қусишни тўхтатадиган, марказий асаб тизими ишини жонлантирадиган восита тариқасида қадимдан ишлатилиб келинади.

Замонавий табобатда карафс эфир мойининг яллиғланишига қарши таъсир кўрсатиб, меъдадан шира ажралишини кучайтириши, илдизларида бўладиган шилимшиқ моддаларнинг ўраб олувчи таъсири борлиги аниқланган. Шунинг учун карафс гастрит ва меъда ҳамда ўн икки бармоқли ичакнинг яра касаллигида бир қадар наф беради.




Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 10 март куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Тоғли ҳудудларда ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда қор ёғиб, туман тушади. Кўчки кўчиш хавфи бор. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-9 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида бўлади.

Шундан кейин

### ТОВЛАМАЧИ КОМПЬЮТЕР



Шоҳмот бўйича компьютерлар орасида ўтказилган жаҳон чемпионатида можаро юзага келди. Венада ўтказилган шоҳмот ўйинларида кутилмаганда, ўзининг мисли кўрилмаган даражада ақлли юришлари билан ҳаммани лол қолдирган компьютер аниқланди. Экспертлар бу ерда бир гап борлигини англашди. Ташкилотчилар германиялик талабага тегишли бўлган мўъжизавий компьютер дастурини текширишди. Натижада бу компьютерга АҚШнинг шоҳмот компьютеридан ўғирланган бегона дастурлар ўрнатилганлиги маълум бўлди.

### РЕКОРД ЎРНАТИЛДИ



Инсон ўз организми имкониятларини ҳанузгача тўлиқ билмайди. Яқинда тартиб посбонлари Рига кўчаларидан бирида ётган маст бир кишини махсус марказга олиб боришди. Унинг қонини текширган шифокорлар ўриндиқларидан йиқилишларига бир баҳя қолди. Маълум бўлишича, маст инсоннинг қон таркибида ўлим ҳолатини келтириши мумкин бўлган даражадан икки баробар кўп алкоголь аниқланган. У эса тинчгина ухлар ва ҳаттоки тушида мириқиб куларди. Фақат эрталаб ҳеч нарсани эслолмади.

Маҳаллий ҳукумат вакилларининг фикрига кўра, бундай мастлик рекорди Гиннеснинг рекордлар китобига киритилишга лойиқ. Бироқ, бундай қаҳрамонлар дунёда жуда кўп.

### ҲУРМАТИ БИЧИМИГА ҚАРАБ



Телевизорни хонадонингизга жойлаштирар экансиз, унинг ҳажми билан ҳам ҳисоблашишингизга тўғри келади. Жумладан, диагонали 29 дюйм (72 сантиметр)дан юқори телевизорни миттигина ётоқхонага уриб тиқишнинг ҳожати йўқ: кичик ҳажмли хонада экранини етарли даражадаги узоқликда жойлаштириб бўлмайди. Аксинча, диагонали 21 дюйм (54 сантиметр)дан кам бўлган телевизор кенггина меҳмонхона шароитида йўқ бўлиб кетади: узоқ масофадан тасвирга тикилиб қарашга тўғри келади, бу эса яхши оқибатларга олиб келмайди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси вилоят ҳокими Козим Носирович Тўлагановга укаси **Олимжон ТЎЛАГАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-450. Адади 9015. Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид АБДУШОҲИДОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 19.30. 2 3 4 5 6